



**“АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”  
МАВЗУСИДАГИ ІҮ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**IV МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
«СОВРЕМЕННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ  
ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ»**



**ТОШКЕНТ / ТАШКЕНТ**

#### **IV Международная научно-практическая конференция**

---

*Доктор медицинских наук, Хайдаров Н.К. (отв. редактор)*

*Доктор медицинских наук, профессор Ризаев Ж.А. (отв. редактор)*

*Доктор медицинских наук, профессор Рустамова Х.Е. (зам. отв. редактора)*

**Редакционная коллегия:** Шомуродов К.Э., Туйчибаева Д.М.,  
Нурмаматова К.Ч., Машарипова Р.Ю., Камилов А.А.

*Данный сборник состоит из материалов международной научно-практической конференции «Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения» состоявшейся 7 апреля 2022 г. в г.Ташкенте. Представленные в сборнике работы содержат материалы по актуальным вопросам здравоохранения, охраны здоровья населения. Представляет интерес для научных сотрудников и практических врачей всех областей, а также студентов бакалавриата и магистратуры высших медицинских учебных заведений. В сборнике представлены информации о состоянии здоровья разных стран, таких как Российская Федерация, Казахстан и другие.*

УДК: 614.2:61-084

ББК: 51.1л0я43

C-56

A-95

Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения  
Сборник трудов Международной научно-практической конференции

#### **IV Международная научно-практическая конференция**

11. Вершкова Т.И., Ананьев В.Ю. О реализации программы оптимизации и устойчивого функционирования или ФБУЗ «Центр гигиены и эпидемиологии в Приморском крае» и его филиалов. Здоровье. Медицинская экология. Наука. 2014. №4.

12. Кузьмин С.В., Гурвич В.Б., Диконская О.В., Романов С.В., Чистякова И.В. опыт оптимизации лабораторного обеспечения надзора на примере ФБУЗ "Центр гигиены и эпидемиологии в Свердловской области". ЗНиСО. 2018. №1 (298).

#### **АВТОТРАНСПОРТ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ**

#### **ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБА СИФАТИДА**

**Шерқўзиева Г.Ф., Самигова Н.Р., Аллаярова Г.А.**

*Тошкент тиббиёт академияси*

Ташқи муҳитнинг энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини санитария муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсатгичларини экологик меъёрларга мослигини таъминлаш бугунги куннинг глобал долзарб муаммоларидан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ўн нафардан тўққиз киши ифлосланган ҳаводан нафас оляпти. Ер юзининг 91 фоиз ахолиси ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшамоқда. 2018 йилги маълумотларига кўра, йилига 7 миллион киши ҳавонинг ҳаддан ташқари ифлосланиши натижасида вафот этмоқда. Айниқса, Осиё ва Африка қитъаси мамлакатлари бу кўрсаткич бўйича юқори ўринларда туради. Одамлардаги юрак касалликларининг 25 фоизи, шол касаллигининг 24 фоизи, ўпка касалликлари ва ўпка саратонининг 43 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олиш натижасида келиб чиқмоқда. Шу билан биргаликда, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган иссиқхона газлари глобал исишга сабабчи бўлиб иқлим ўзгаришларини келтириб чиқармоқда.

Дунё миқёсида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ташланмалар миқдори шу суръатларда кетса, глобал исиш ва иқлим ўзгаришлари натижаси башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги даврда инсон саломатлиги учун энг хавфли манбалардан бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлардир. Автомобиллар атмосфера ҳавосини ҳар хил заҳарли газлар билан ифлослашидан ташқари дунё ахолисининг нафас олишига кетадиган кислороддан 3-4 марта кўп кислородни сарфлайди. Бир автомобил двигатели бир йилда 20-30 кишининг йил давомида нафас оладиган кислородни сарфлайди. Ҳар йили 1 та автомобил ўртacha 4 тонна оксигенни ҳаводан олиб, ташқи муҳитга 800 кг ис гази, 40 кг азот оксиди ва 200 кг атрофида турли заҳарли моддалар, шу жумладан углеводородлар чиқарип ташлайди.

Ҳозир жаҳон мамлакатларида 500 млн. дан ортиқ автомобил борлиги назарга олинадиган бўлса, атмосфера ҳавосига чиқарип ташланадиган ифлосликлар миқдори жуда катта эканлигига ишонч ҳосил қилса бўлади. Автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини азот оксиди билан 45,7%, углеводородлар билан 42% зарарлантиради. Ер юзидағи жами бир йилда ҳавога

чиқариб ташланадиган 100 млн. тоннага яқин ис газининг 75,5 млн. тоннаси ёки 78% и автотранспорт воситаларига тўғри келади. Шахарлар ҳавосининг 60% и заҳарли газлар билан ифлосланиши автотранспорт ҳисобига тўғри келади. Автотранспортлардан чиқадиган ис гази автотранспорт ёқилғиларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган рангсиз заҳарли газ. Айнан ис гази нафас йўллари орқали организимга кириб, қизил қон танаачаларидаги гемоглабин билан бирикишидан карбоксигемоглобин ҳосил қиласи. Бу модда кислородни биритира олмайди, натижада тўқима ва хужайраларда, биринчи галда, асаб хужайраларида кислород етишмаслиги келиб чиқади. Тўқима ва хужайраларнинг барча орган ва ҳамма системалари фаолияти бузилишига олиб келади.

Транспорт воситаларининг кундан кунга кўпайиб бориши, қудратли механизмларнинг яратилиши ва ундан кенг қўламда фойдаланиш саҳоватли табиатга, шу жумладан атмосфера ҳавосига салбий таъсир қўрсатиб, унинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Автомобиллар ҳозирги кунда шахарларнинг ҳавосини ифлослантирувчи асосий сабабчиларидан биридир. Дунё автомобил парки сони ортиб бориши натижасида атмосфера ифлосланишида транспорт воситалари саломғи ортиб бормоқда. Маълумотлар шуни кўрсатади, АҚШ ва Японияда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалар ичida автотранспорт воситалари олдинги ўринда туради. Хорижий мамлакатлар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи газлар ичida ис гази, углеводородлар, шунингдек, азот оксидлари барча тажовузкор газларнинг 60% ини ташкил қиласа, бизда 14% ини ташкил қиласи. Автомашина, тепловоз, самолёт, тракторлар катта миқдорда  $O_2$ ни сарфлаб атмосферага углерод оксиди – 260 млн. т, учувчи углеводородлар - 40 млн. т, азот окисди - 20 млн. т ва курғошиннинг зарарли бирикмаларини чиқаради.

Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши атмосферага ташланаётган ташланмалар миқдорини ортиши сабаб бўлмоқда. 6 йил давомида ишлатилган ўртacha автомобиль атмосферага 9 т  $CO_2$ , 0,9 т CO ва 80 кг углеводород чиқаради. Республикаизда 99,5 минг турғун ифлослантирувчи манбага эга 3,5 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда 2,816 млн. дан ортиқ кўчма ифлослантирувчи манбалар, яъни автомотранспорт воситалари мавжуд.

2010 йилдан 2018 йилгача атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори қарийб 1,3 баробарга ортган ва 2018 йили 2,442 млн. тоннани ташкил этган. Бундан 65% ёки 1 млн. 560 минг тоннаси автомотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80%ни ташкил этади. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига автомобиллар сони кескин ошмоқда. Ушбу кўрсатгич сўнгги йил давомида 14,5%га ошди. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг сони 2.955.295 тани ташкил этган. Айниқса, шахсий автомобиллар сони ва аҳоли сони тобора ортиб бораётгани боис транспорт воситалари Тошкент шаҳрининг атмосфера ҳавосини асосий ифлослантирувчи маънба бўлиб ҳисбланмоқда.

Сўнгги 10 йилда пойтахтда автомобиллар сони икки баравардан зиёдроққа ошгани, жамоат транспорти йўналиш тармоқлари ўтган асрнинг 80-йилларида тузилгани, аммо шу вақтга қадар мукаммал тарзда қайта кўриб чиқилмагани, оқибатда шаҳар жамоат транспорти тизимида жиддий муаммолар йиғилиб қолгани мавжуд вазиятни тобора мураккаблаштирум оқда. Инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиши сабабли атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳар доим ташвиш уйғотган. Ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, аллергия ва нафас олиш тизими касалликларини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун биз нафас олаётган ҳавонинг сифатли бўлиши жуда муҳим. Деярли ҳар бир йирик шаҳар атмосферасида юқори миқдорда ифлослантирувчи моддалар кузатилади, улар экотизим ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади.

Шаҳарларда атмосфера ҳавоси сифатини мониторинг қилиш дастури бешта асосий ифлослантирувчи модда: чанг (қаттиқ муаллақ заррачалар), олтингугурт диоксиди, углерод оксида (ис гази), азот диоксида, азот оксидини ўз ичига олади. Саноат ажратмалари таркиби ва яқинда жойлашган шаҳарлар ва туташган худудлар хусусиятларига қараб дастурий ўлчовларга бошқа моддалар (аммиак, фенол, формальдегид, озон, хлор, қаттиқ фторидлар, фторли водород, оғир металлар) қўшилади. *Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши миқдорининг ортиши иқтисодиётнинг жадал ривожланиши жараёнида ишлаб чиқарии корхоналари ва транспорт воситаларининг сони ортиши билан боғлаш мумкин.*


Юқоридагилардан келиб чиқсан холда биз аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавосининг эколого-гигиеник холатини йиллар динамикасида ретроспектив тахлил қилишни мақсад қилдик. Текшириш обьекти бўлиб аҳоли яшаш жойларида жойлашган ёқилғи қуиши шаҳобчалари, чорраҳалар ва автомобил ювиш жойларининг атмосфера ҳавоси ва унинг таркибидаги азот оксида, углерод икки оксида, формальдегид, қўрғошин, чанг. Ишни бажаришда қонуний меъёрий ҳужжат СанҚ ва М “Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг РЭК рўйхати” дан фойдаланилди.

Биз аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосининг эколого-гигиеник холатини 2017-2020 йиллар динамикасида ретроспектив тахлил қилдик ва қўйидаги натижаларни олдик: 2017 йил умумий олинган намуналар сони - 1902 та (100%), улардан - 263 таси (13,8%), 2018 йил умумий олинган намуналар сони - 1950 та (100%), улардан - 323 таси (16,5%), 2019 йил умумий олинган намуналар сони - 1677 та (100%), улардан - 198 таси (11,8%), 2020 йил умумий олинган намуналар сони - 973 та (100%), улардан - 130 таси (13,3%) гигиеник талабларга жавоб бермаган (1-расм).



*I-расм. Атмосфера ҳавосининг ретроспектив тахлиси, %*

Текширилган намуналарнинг ифлослантирувчи моддаларга нисбатан тахлил қиласидан бўлсак: 2017 йил чангга умумий - 416 та намуна олинган бўлиб улардан - 115 таси яъни 27,5%, 2018 йил чангга умумий - 404 та намуна олинган бўлиб, улардан - 141 таси - 34,9%, 2019 йил чангга умумий - 370 та намуна олинган бўлиб улардан - 83 таси 22,4%, 2020 йил чангга умумий - 290 та намуна олинган бўлиб, улардан - 55 таси (18,9%) гигиеник ме'ёrlарга мос келмаган. Олтингугурт газига 2017 йил - 416 та намуна олинган улардан - 75 таси (18,0%), 2018 йил - 436 та намуна улардан - 89 таси (20,4%), 2019 йил - 330 та намуна олинган улардан - 62 таси (18,7%), 2020 йил эса - 196 та олинган намунадан - 32 таси (16,3%) гигиеник талабларга жавоб бермаган (2-расм).



*2-расм. Ҳаводаги ифлослантирувчи моддаларнинг ме'ёрга мос келмадиган намуналар, %*

Гигиеник талабларга жавоб бермаган намуналарда чангдан кейинги ўринда олтингугурт гази эканлиги аниқланди. Атмосфера ҳавосинин формальдегид моддаси билан ифлосланишини тахлида эса шу аниқландики 2019-2020 йиларда олинган барча намуналар гигиеник талабларга жавоб берган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда биз аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосини ифлосланишдан санитария муҳофазалашда автомобил йўллари четида

#### **IV Международная научно-практическая конференция**

яшил ҳудудларни кенгайтириш ва ёқилғилар сифатини янада яхшилаш ҳамда экологик тоза транспорт воситаларини кўпайтиришни ҳамда доимий равища ифлосланиш даражаси мониторингни олиб бориш мақсадга муофиқдир деб ҳисоблаймиз

#### **Адабиётлар:**

1. Закон Республики Узбекистан «Об охране атмосферного воздуха» №353- 4. - Т., 1996.
2. СанПиН РУз №0246-08 «Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест республики Узбекистан». - Т., 2008.
3. Шеркузиева Г.Ф., Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А. Санитарное состояние атмосферного воздуха и здоровье населения // “Биология ва тиббиёт муаммолари” журнали. – Самарқанд, 2020. - № 4.1 (121). - Б. 238-242.
4. Садуллаева Х.А., Саломова Ф.И., Шерқўзиева Г.Ф., Азимова М. Мактабгача ёшдаги болалар саломатлигига атмосфера ҳавосининг таъсири // Журнал “Вестник Ташкентской медицинской академии”. - Т., 2020. – Б. 115-118.
5. Яхшиева З.З., Ахмаджонова Ё.Т., Ахмаджонова У.Т. Автотранспорт чиқинди газларининг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига таъсири // "Science and Education" Scientific Journal June, 2021. - Volume 2. - Issue 6. - Б. 119-123.

#### **ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ ГИГИЕНАСИДА ҚОНУНЧИЛИК Шерқўзиева Г.Ф., Умурев Ш.С. *Toшкент тиббиёт академияси***

Даволаш профилактика муассасалари нафақат касалларни даволаш муассасаси ҳисобланади, балким ён атрофдаги соғлом аҳоли саломатлигига ҳам бирмунча таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса шифохона ичи инфекцияси ёки госпитал инфекция яъни бемор шифохонага келиши ёки тиббий ёрдам сўраб ДПМга мурожаат қилиши натижасида, касаллик белгиларининг стационарда ёки стационардан чиққанидан сўнг пайдо бўлишидан қатъий назар, bemorni shikaствовчи микробдан келиб чиққан ҳар қандай клиник акс этган касаллик ҳамда шифохона муассасаси ходимининг мазкур муассасада ишлаши жараёнида унга инфекция юқиши натижасидаги юқумли касаллик ҳисобланади.

Госпитал инфекция қўзғатувчилари ўз тузилишига кўра, вируслардан тортиб бир хужайралиларгача бўлиши мумкин, улар кўпинча бактериялар, камдан-кам ҳолатларда вируслар ва замбуруғлар бўлиши мумкин. Госпитал инфекция кенг тарқалишига аsepтика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг бузилиши билан бир қаторда, яна бир қатор объектив сабаблар – янада мураккаб диагностик ва даволаш муолажалари, оператив фаолликни ошиши ва тиббий-диагностик амалларнинг “агрессивлашиши”, шунингдек аксарият bemorларнинг иммунологик реактивлигининг пасайиши олиб келмоқда.

Даволаш профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциясининг тарқалишини олдини олишда кучли қонунчилик муҳим роль ўйнайди. Бу

#### **IV Международная научно-практическая конференция**

**БАҲОЛАШ**

*Ортиқов А.А.*

**160**

**СТОМАТОЛОГИЯ АМАЛИЁТИ УЧУН "ОҚ ЖҮХОРИ" (ЖУГАРИ)  
ЁРМАЛАРИ**

*Тухтаров Б.Э., Шовалиев И.Х., Абдуллаева Д.Х., Валиева М.У.*

**161**

**ИСТОЧНИКИ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ВОДНЫХ ОБЪЕКТОВ**

*Турахонова Ф.М., Камилов А.А., Хусанова М.А.*

**168**

**АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФЕДЕРАЛЬНОГО БЮДЖЕТНОГО  
УЧРЕЖДЕНИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ЦЕНТРА ГИГИЕНЫ И  
ЭПИДЕМИОЛОГИИ С 2012 ПО 2019 гг.**

*Хузиханов Ф.В., Нигматзянова Р.Р.*

**170**

**АВТОТРАНСПОРТ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ  
ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАЪНБА СИФАТИДА**  
*Шерқўзиева Г.Ф., Самигова Н.Р., Аллярова Г.А.*

**177**

**ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ ГИГИЕНАСИДА  
ҚОНУНЧИЛИК**

*Шерқўзиева Г.Ф., Умров Ш.С.*

**182**

**МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУНЛИК РАЦИОНИДА  
ҚИШ-БАҲОР МАВСУМИДА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ  
ИСТЕЙМОЛ ДАРАЖАСИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ**

*Эрматов Н., Насирдинов М.*

**183**

**ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ЎЛИМ  
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИГА БОҒЛИҚ  
САБАБЛАРНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ**

*Эрматов Н., Мамризаев Х.*

**184**

**HIGHER RESPIRATORY DISEASES IN ANIMAL HUSBANDRY AS A  
RESULT OF WORK ON LIVESTOCK FARMS**

*Murodov K.B.*

**186**

**IMPORTANCE OF NUTRITION OF PERSONS WORKING WITH  
SOURCES OF IONIZING RADIATION**

*Turakhonova F., Tuxtarov B.*

**189**

#### **ВОПРОСЫ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ**

**ИЗУЧЕНИЕ ОБРАЗА ЖИЗНИ СТУДЕНТОВ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА**

*Воронина Н.В., Раупов Ш.*

**191**

**БОЛАЛИК ДАВРИДА СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ВАЛЕОЛОГИК**